



ШУ АЗИЗ ВАТАН—БАРЧАМИЗНИКИ!

ОЛОТ НАҲОТИ

2022 йил

5 МАРТ

ШАНБА

№ 1

(4369)

E-mail:
olothayoti3@umail.uz

Халқ депутатлари Олот туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИ

2022 ЙИЛГИ НАВРЎ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти ва эзгу қадриятларини ўзида яққол мужассам этган, она табиат ва одамлар руҳиятида юз берадиган яшариш, янгиланиш ва юксалишларни асрлар давомида тўла намоён қилиб келаётган Наврўзи олам энг ардоқли миллий байрамларимиздан бири ҳисобланади.

Ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган борлиқни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш, меҳр-оқибат, хайру саховат, бунёдкорлик, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари юксак ғоялар бугунги кунда янада теран мазмун ва аҳамият касб этиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, инсон қадрини улуғлашдек буюк мақсадларни амалга оширишга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотлар жараёнида барча миллий қадриятларимиз қатори Наврўз умумхалқ байрами ҳам ўзига хос маънавий таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўзининг ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини тобора чуқур англаб бораётган Янги Ўзбекистон шароитида Наврўз том маънода умумхалқ байрамига айланиб, эл-юртимиз томонидан катта шоду ҳуррамлик билан нишонланмоқда.

Халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарафидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи оламнинг ана шундай беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу айёмни мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёнига уйғун ва ҳамоханг тарзда, ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. 2022 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда “Ассалом, Наврўз – янгиланиш, меҳр-оқибат ва кадр-қиммат айёми!” деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ва юқори савияда нишонлансин.

2. Қуйидагилар:

2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ;

2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Н. Арипов) “Йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Наврўз умумхалқ байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, (Давоми 2-бетда).

Баҳор фаслининг дастлабки айёми бўлмиш 8 март—халқаро хотин-қизлар байрамида табиат гўзаллигининг ажралмас бир қисми бўлган аёл зотиға ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уни улуғлаш қутлуғ бир анъанага айланиб, бугунги кунда ҳам ушбу гўзал одат ҳаётимиздан чуқур жой олмоқда. Сир эмаски, не не улуғ шоиру мутафаккирлар оналар садоқати, аёлнинг чексиз меҳр-муҳаббати, гўзаллиги ва латофати, вафодорлиги ва фидойилигини тараннум этиб келганлар. Аминанки, аёлларимиз ана шундай таърифу тафсифларга тўла лойиқдирлар.

Аёллар—ҳаётимизнинг гуллари. Улар ҳақида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистонда хотин-қизлар меҳнатини қадрлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар турмуш тарзи учун яратиб берилаётган шароитларни алоҳида қайд

этиш лозим. Мамлакатимизда, шу жумладан, туманимизда ҳам ўзининг беқиёс ақли, билими ва истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва шижоати билан ҳаётда муносиб ўрин тутаётган аёлларимиз кўпчиликини ташкил қилиши қувонарлидир.

Юртимизда хотин-қизлар

тиром бор. Бу йил Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили деб эълон қилинган экан, бу босқичда ҳам аёлларимиз эъзозланиши аниқ. Мустақил ҳаётимиз хотин-қизлар ва қиз-жувонлар учун чексиз истиқболлар очмоқда. Келажақда уларнинг ўрни ва роли ғоят бе-

қиёс бўлишига ишончимиз комил. Меҳрибон она, ғамхўр опа-сингил,

саришта-саранжонли уй бекаси, вафодор ёр сифатида намоён бўлаётган азиз аёллар, мунис онахонлар, меҳрибон опа-сингиллар, дилбар ва лобар қизлар, баҳор нафаси ила кириб келаётган айни дамларда, сизларни 8 март—хотин-қизлар байрами билан қизгин қўлаймиз. Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камоллини кўриш, ширин-шакар набираларнинг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин.

ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ

доимо эътиборда. Кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, бола тарбияси учун яратиб берилаётган имкониятлар, боласини уйда парваришlash учун пул тўланадиган таътиллار жорий қилинганлиги бу азиз зотларга кўрсатилаётган мурувват беқиёс эканлигини англатади.

Мустақилликдан кейинги йилларда номланаётган ҳар бир йилимизда хотин-қизларга беқиёс ҳурмат ва эҳ-

САККИЗИНЧИ МАРТ

ЭРКИН ВОХИДОВ

Букун ўзгачадир жилваи олам,
Букун ўзгачадир борлиқда ханда.
Букун кўзларимга гўё қуёш ҳам,
Шафақ гулханида таранг чирманда.
Букун тонг эгнида атласдан кўйлак,
Шафаққа ўралган қизлардай гулгун.
Илк бора кўз очиб чиққан бойчечак
Санамлар кўлига интизор букун.
Букун гўзаллиқнинг қутлуғ айёми,
Қизларнинг кўкламга мослигидир бу.
Юраклар лиммо-лим муҳаббат жоми,
Баҳор келганининг ростлигидир бу.
Ҳа, букун элда ҳам, дилда ҳам баҳор,
Шодлик хандалари фалакка туташ.
Букун эрталабдан йигитлар қатор,
Аттор дўқонида атирлар талаш.
Отаҳон чоллар ҳам тавозе билан
Етмиш йиллик ёрин сизлаб турибди.
Букун шоирлар ҳам ўз бисотидан
Энг яхши байтларни излаб турибди.
Овора бўлманг, эй ҳассос шоирлар,
Аёл тасвирига ожиз эрур шеър.
Чунки ёр зулфининг бир толасига
Ташбеҳ топа олмай ўтган Алишер.

Севги асрорини изламай қўйинг,
Топилмас нарсани қидирмоқ нечун?
Муҳаббат сирини ёполмай ўтган
Карбало даштида овора Мажнун.
Минг йилча муқаддам Ҳофиз Шероз
Бир гўзал холига бўлганди банда.
Тасаввур қилолмам, не дер эди у
Букун анжуманда ўзи бўлганда.
Балки айтар эди у бир лойиқ сўз,
Балки ташбеҳлари бўлар эди фош.
Чунки, кўзингизга тенг қайси юлдуз,
Юзингиз олдида нимадир қуёш?
Сиз, ахир, сийнаси самони қучган,
Сизнинг измингизда замин у замон.
Сиз ой кемасида ой бўлиб учган,
Ёруғ чехрангиздан олам чароғон.
Букун ўзгачадир жилваи олам,
Букун ўзгачадир борлиқда ханда.
Букун кўзларимга хатто қуёш ҳам
Шафақ гулханида таранг чирманда.
Букун айёмингиз муборак қилиб,
Зумуррад сепини ёйибди баҳор.
Баҳорий қизларнинг ҳуснидай тўлиб
Олам гўзаллиги бўлсин барқарор.

2022 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида кенг нишонланишини таъминласин.

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топишини акс эттирадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб демократик ислохотлар, ҳалқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва аънавларига ҳамоханг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш;

Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” мажмуасида алоҳида дастурлар асосида халқ сайилларини ташкил этиш;

байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, кекса авлод вакилларини ҳар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Саховат уйларида яшайдиганлар, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”га киритилган ҳамда қўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

мамлакатимизда бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни уюштириш, Наврўз умумхалқ байрами арафасида республикаимизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган умумхалқ ҳашарларини ўтказиш;

миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини

мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид урф-одатлари, аънава ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган жойларда хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб расталари, кўчма савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини йўлга қўйиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам тадбирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва аънаваларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш.

4. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М. Ходжиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.С. Саидов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

концерт томошасини тажрибали сценарист ва режиссёрлар, бастакорлар, балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан биргаликда юқори бадиий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хиёбонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий услубда байрамона безатиш

ҳамда сахналарни ўрнатиш;

жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати усталари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини белгиланган тартибда кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ уйинлари, томошалар, кўргазмалар ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очик ошхоналарни жойлаштириш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хиёбонлар ва майдонларни безатишда малакали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар карантин қоидалари ва жамоат ҳавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгиланган бўлиб, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ишларини ва байрам тадбирларини атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Тошкент шаҳри, 2022 йил 17 февраль.

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2022 йил 15 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида туманда 3 та сектордаги 5 та МФЙ: 1-сектордан Қиртай, Пахтакор, 2-сектордан Пичоқчи, 4-сектордан Буржоқ, Кесакли МФЙлар танлаб олинган.

Туманда ҳам “маҳаллабай” ишлаш тизимини йўлга қўйиш орқали ҳар бир инсон, ҳар бир оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Ушбу жараёнлар туман ҳокими, 1-сектор раҳбари Наргиза Нематова, Халқ қабулхонаси мудир ҳамкорлигидаги ишчи гуруҳлар билан биргаликда оғир ҳудуд ҳисобланган Пахтакор маҳалласи ҳудудида давом эттирилиб, туман ташкилотларига ўз вазифалари маҳаллабай, хонадонбай тушунтирилди. Шунингдек, туман ҳокими ва мутасадди идоралар раҳбарлари қишлоқдаги таълим ва тиббиёт муассасалари, аҳоли хонадонларига бориб, уларнинг иш фаолияти, яшаш тарзи билан танишмоқдалар. Масъулларга маҳаллани томоққа маданияти, ободончилик нуқтаи назаридан тайёрлаб, бутун туман маҳаллалари ҳамда бошқа мутасаддиларга намойиш этилиши таъкидланган.

Сўнгги пайтларда “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”нинг ҳаётга татбиқ этилиши эзгу мақсадларни амалга ошириш имкониятини бермоқда. Зеро, шу асосда рўйхатда турган ишсиз, ижтимоий-иқтисодий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ амалий ишлар олиб бориляпти. Мутасаддилар шу ҳудудда истиқомат қилувчи дафтарларда турувчи фуқаролар хонадонига бўлиб, унинг турмуш-тарзи ва уй-жойлари билан яқиндан танишдилар. Халқимизнинг меҳр-оқибат, эзгулик ва саховатга йўрилган айёми-муборак Қурбон ҳайити кунларида меҳр ва эътиборга, қўмакка муҳтож, эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиш, бегараз ёрдам бериш эзгу аънавага айланган. Шу аънавага мос равишда хонадонларга туман раҳбари томонидан ун, ўсимлик ёғи ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Жумладан, аҳолига кредит ажратиш, ишга жойлаштириш, моддий ёрдам, соғлиқни сақлаш йўналишида, электр энергияси, газ, сув таъминотида, уй-жой ҳамда бошқа масалалардаги қўллаб-қувватлаш ижобий ҳал этилмоқда. Масалан, Каттабаёт қишлоғидаги ички йўлларнинг 1,2 км. қисмига маҳаллий кум-шағал аралашмаси тўкилиб, текислаш ишлари олиб борилмоқда. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида мавжуд 2 та трансформатор мукамал таъмирланиши ва 7,5 минг метр эски тармоқ янгиланиши, 226 донна таянч устунларни янгисига алмаштирилиши каби қилинадиган ишлар хатлов қилинди. Маҳалладаги истеъмолчилар сони, қўшимча майиш газ баллонга талаб мавжудлиги ўрганилди. Аҳоли эҳтиёжи учун сулуттирилган газ баллонлар узлуксиз равишда тарқатилмоқда.

Бундан ташқари, ижтимоий объектларда зарур шароитларни яратиш ҳам асосий эътиборда бўлмоқда. Ишчи гуруҳлар томонидан маҳаллабай ишлаш тизимини орқали аҳоли муаммоларини самарали ҳал этишга қаратилган тадбирлар давом эттирилмоқда. Бу эса фуқароларда эртанги кунга бўлган ишончни оширяпти, десак, айни ҳақиқат.

М. БАРАКАЕВ,

туман Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси.



31-ИДУМИГА «ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ» МАҚОМИ БЕРИЛДИ

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамкорлигида “Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талаблар асосида умумий ўрта таълим муассасаларини баҳолаш мезонлари ва методикаси ишлаб чиқилган эди.

Замонавий мактабларга қўйиладиган талабларга мувофиқ баҳолаш мезонлари

асосида 2021 йил якунига қадар 751 та мактаб баҳоланди. 22 февраль куни Бухоро шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида мазкур мактаб раҳбарлари иштирокида семинар ташкил этилди. Семинарда Халқ таълими вазири ўринбосари Рустам Каримжонов иштирок этиб, “Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талаблар асо-

сида юқори кўрсаткичларни қайд этган 14 та умумтаълим мактабига “Замонавий мактаб” сертификатларини топширди. Туманимиздан 31-ИДУ-МИ ҳам “Замонавий мактаб” сертификатини олди.

Мактаб жамоасини ушбу юқори натижаларга эришгани билан қизгин қутлаймиз. Таълим сифат ва самарадорлигини ошириш борасидаги ишларига омад тилаймиз.

ЮРАК САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШНИНГ 8 УСУЛИ

Ортиқча овқатланиш керак эмас. Меъёрий вазни сақлаш учун аёлларга одатда кунига 1600-1800, эркекларга 1800-2100 калория истеъмол қилиш тавсия этилади.

Оз-оздан овқатланиш муҳим. Ўтишдан 2-3 соат олдин овқатланиш тавсия этилади. Рационга фойдали маҳсулотларни киритиш лозим.

Тўйинмаган ёғли кислоталар, ёғли балиқ, ўсимлик мойлари, ёнғоқлар, уруғлардир.

Кўпроқ клетчаткага бой маҳсулотлар қабул қилинг.

Оқ нон, хамир овқат ва ширин-

ликлар, оқ гуруч, юқори сифатли ундан тайёрланган макаронни минималлаштирилиш керак.

Транс ёғларни йўқ қилиш лозим. Маргарин, ёғли қандолат маҳсулотлари ва колбасалардан бутунлай воз кечиш керак.

Таомни тўғри танлаш керак. Қайнатилган, бугда ёки печда пиширилган таомлардир. Иссиқ соуслар, туз ва шакар, кўкатлар ёки бир неча томчи лимон шарбати.

Гипертония ва COVID. Кўпроқ пиёда юриш, зинапоядан чиқиш, ҳар куни машқ қилиш лозим.

Тузни камроқ истеъмол қилиш муҳим.

Кундалик рационда туз 2-2,5 мг. дан ошмаслиги керак. Фаст-фуд, ярим тайёр маҳсулотлар, консервалар энг кўп туз миқдорини ўз ичига олади.

Кўпроқ фойдали минераллар қабул қилиш тавсия этилади.

Калий қайнатилган картошка ва ловия, банан, қуритилган ўрик, ўрик, помидор, гречка пюресиди мавжуд. Энг кўп магний кунгабоқар уруғлари, ёнғоқлар, донли нон, гречка, жўхори уни, тарик қабиларда бор.

Шердил ТОҲИРОВ.

2023 ЙИЛДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛАДИ

СТАТИСТИКА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 710-сонли қарорига мувофиқ, республикамизда 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади.

Республикамизда охириги марта аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилганлигига 30 йил бўлди. Бунинг натижасида аҳолининг ҳақиқий ҳаёт тарзини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишда қатор қийинчиликлар вужудга келди.

БМТ 2015 йилнинг 10 июнида «2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар» резолюциясини қабул қилди. Унга кўра, БМТга аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилди. Бугунги кунга келиб, МДХ давлатларида, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам бу жараёнга тайёргарлик ишлари бошланди.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёни уч босқични қамраб олади.

Биринчиси—тайёргарлик босқичи. Бу уч йилга яқин вақт давом этади. Бунда, аҳолининг рўйхатга олиш жараёнида фаол иштирок этиши бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, логотип ва шiorлар ишлаб чиқиш ҳамда аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар, жумладан, рўйхатга олиш варақалари, рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда бошқа шу каби тадбирлар амалга оширилади.

Иккинчиси — асосий босқич, 10 кундан 60 кунгача даврни ўз ичига олади. Бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли

тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва рўйхатга олиш материаллари топширилади.

Учинчи босқичда аҳолини рўйхатга олишга доир бирламчи материалларни маълумотларни қайта ишлаш бўйича ихтисослашган тузилмалар томонидан қабул қилиб олинади, олинган материаллар автоматлаштирилган тизимда қайта ишлашга тайёрланиб, бирламчи маълумотларни автоматлаштирилган дастурларга киритиш учун кодланади, назорат ва таҳрир қилинади, аҳолини рўйхатга олиш бўйича дастлабки натижалар олиниб, эълон қилинади ва тарқатилади. Мазкур босқич 2 йилдан 3 йилгача бўлган даврда амалга оширилади.

Юқоридаги қарорга мувофиқ, мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунларида, шунингдек, республикамизда аҳолини синов тариқасида рўйхатга олиш тадбири 2021 йилнинг 1-25 ноябрь кунларида Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманларида амалга оширилиши белгиланган берилган.

Рўйхатга олиш жараёнида ҳар бир рўйхатга олувчи аҳоли пунктнинг харитасидан келиб чиққан ҳолда 350-450 кишидан, бориши қийин бўлган ва олис ҳудудларда аҳолининг сони ўртача 250 нафардан тақсимот қилиб берилади. Рўйхатга олувчи 12 кун муддат ичида белгиланган аҳолини тасдиқланган шакллар асосида уйма-уй юрган ҳолда рўйхатга олиб чиқади. Олинган маълумотларнинг сир сақланиши кафолатланади. Тўлдирилаётган шаклларда ҳар бир шахс тўғрисидаги маълумотлардан ташқари, турар жойнинг хусуси-

ятлари, яъни яшаш жойида мавжуд қулайликлар, шу жумладан санитария-гигиеник шароитлар, уй хўжалиги аъзолари томонидан узоқ вақт мобайнида фойдаланиладиган воситалар билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам олинади.

Аҳолини рўйхатга олишда биринчидан, аҳоли сони тўғрисидаги аниқ маълумотга эга бўламыз, иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, демографик ҳолат, аҳолининг жинси, ёши, миллати бўйича маълумотларни оламыз. Ушбу кўрсаткичлар иқтисодий ривожланиш дастурлари белгиланишида ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда дунёнинг деярли барча давлатларида аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилаётганда. Ушбу жараёни муваффақиятли ва тўлақонли бажариш билан биргаликда республикамизнинг ҳар бир аҳоли пунктлари бўйича ягона ахборот базаси яратилади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахслар (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари) 2022 йил февраль ойи якуни бўйича 12-korxona shakli (ойлик) «Ташкилот фаолияти тўғрисида»ги давлат статистика ҳисоботини кейинги ойнинг 5-кунидан, 12-moliya shakli (ойлик) «Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида»ги давлат статистика ҳисоботини кейинги ойнинг 18-кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ тақдим этишлари лозим. Мазкур ҳисобот шаклини Давлат статистика қўмитасининг расмий stat.uz сайтидан ҳамда уни тўлдириш ва электрон шаклда жўнатиш юзасидан 65-34-22-671, 65-34-22-471 телефон рақамлари орқали бепул тушунтиришлар олишлари мумкин.

Н. ЖУМАЕВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАЛАРИ

БРУЦЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Бруцеллёз қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонлари орасида кенг тарқалган касаллик ҳисобланиб, бу хасталик билан одамлар ҳам касалланади. Одамларда хасталик кўпроқ сурункали кечади ва беморнинг узоқ муддатга иш қобиляти йўқолишига ва ҳатто ногиронликка ҳам олиб келиши мумкин. Майда шохли ҳайвонлар ўчоғи кишиларга касалликнинг юқиши жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этади. Бруцеллёз касаллигининг яширин даври 3 дан 6 ҳафтагача, баъзан 2 ойгача давом этади.

Касалликнинг юқиш йўллари ва келтириб чиқарувчи омиллари: —қўй ва эчкилар касаллик манбаи бўлиб, бруцеллёз касаллиги микроби ташқи муҳитга сўлак, сут, қон, жинсий аъзолар суюқлиги, плацента ва чала туғилган кўзичоқ ва бузоқ орқали ажралади;

—касаллик асосан хизматчиларга майда шохли ҳайвонларни қўзилатиш, боқиш ва парвариш қилиш пайтида мулоқот йўли орқали юқади;

—ҳайвон маҳсулотлари бўлган хом сут ва чала пиширилган гўшти истеъмол қилиш жараёнида оғиз орқали юқади.

Касаллик аломатлари:

—ҳароратнинг кўтарилиши, эт увишиши, асабийлашиш, уйқусизлик, тилнинг қараш билан қопланиши, тери ва шиллиқ парда рангининг оқариши, ҳаракат ва таянч аъзолар фаолиятининг бузилишлари, бўғимлар ҳаракатининг чекланиши;

—жинсий ва таносил аъзоларда орхит, ҳайз кўришнинг бузилиши, бола тушиши ва муддатидан илгари туғиш.

Профилактик тадбирлар:

—чорва моллари сақланадиган молхоналарни вақти-вақти

билан 10% хлорли оҳак эритмаси билан зарарсизлантириб туриш;

—бола ташлаган, йўлдоши вақтида тушмаган моллар ветеринария ходимлари назоратида бўлиши, бошқа ҳайвонлардан ажратилиши ва уларнинг чиқиндилари хлорли оҳак билан зарарсизлантирилиши;

—ўлик туғилган ҳайвон боласи ва йўлдоши эҳтиёткорлик билан 2 метр қазилган чуқурга ташланиб, устига хлорли оҳак сеппиб кўмиб юборилиши, уларни итлар ва бошқа ҳайвонлар истеъмол қилмаслиги;

—касал ҳайвонлар билан ишловчилар махсус кийимлар (комбинзон, резина этик, қўлқоп, халат ва респираторлар) кийиб ишлаши;

—ҳайвонларнинг жунини олиш жараёнида, молхоналарни тозалаётганда, албатта, оғиз ва бурунга 4 қаватли докадан тайёрланган ниқобдан фойдаланиш;

—болалар, ўсмир ва ҳомиладор аёлларнинг касал ҳайвонлар билан ишлашларига йўл қўймаслиги;

—ветеринария кўригидан ўтмаган молни сўймаслиги ва уларнинг маҳсулотларини истеъмол қилмаслиги;

—гўшт ва жигардан тайёрланадиган таомлар, айниқса, кабобларнинг яхши пиширилишига аҳамият бериш;

—белгиланмаган жойларда ёки қўлда сотилаётган сут, хом қаймоқни харид қилмаслиги;

—доимо шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, айниқса қўл ювиш кўникмаларини шакллантириш керак.

Ф. БАРОТОВ,
туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими эпидемиология бўлими мудири.

ГЕМОМРАГИК ИСИТМА ХАСТАЛИГИ

Крим-Конго гемомрагик иситма касаллиги дастлаб 1944 йилда Кримда, 1956 йилда эса Конго давлатида бир гуруҳ одамларда учраган. Бу хасталик одамларга асосан майда ва йирик шохли моллардаги каналарни териш, уларнинг жунини олиш ёки чўл ҳудудларида уларни боқиш жараёнида кана чақиши орқали юқади. Иқсод каналарининг ҳазм йўлларида кўплаб микдорда касаллик қўзғатувчиси бўлган вируслар мавжуд бўлиб, кана одамни чаққанда қонга тарқалади.


Вирус ажратган моддалар натижасида одам қонининг ивиши издан чиқади. Натижада бурун ва бошқа табиий тешиклардан қон кетиши кузатилади. Касаллик оғир кечади ва ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса, оқибати нохуш туғаши мумкин.

Касалликнинг олдини олиш учун қишлоқ ҳудудларидаги яққа хўжаликларда чорва молларини сақлаш шароитини тўғри ташкил этиш ва каналарнинг кўпайишига йўл қўймаслиги зарур. Ҳайвон боқиладиган молхона, кўра ва

қўтонларнинг тупроқлари, лой қилинган деворлар кана кўпайиши учун яхши шароит ҳисобланади. Шу боис, касалликка қарши курашишнинг самарали усули каналар чақишининг олдини олиш, уларни йўқ қилишдан иборат. Каналарни йўқ қилиш учун уй ҳайвонларининг териси йилнинг март ойидан сентябрь ойига қадар ҳафтада бир марта хлорли бирикмалар бўлган махсус моддалар билан ишловдан ўтказилиши лозим. Шунингдек, тиббиёт вакиллари ва

беморларни парвариш қиладиган ходимлар касаллик билан зарарланган кишиларнинг яқинларига хасталик юқишига йўл қўймасликлари зарур. Бунинг учун улар ўз фаолиятида дока ниқоб, резина қўлқоп ва тери ҳимоя кийимларидан (халат, костюм ва Ҳ.К.) кенг фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

Х. ИСМАТОВА,
туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими эпидемиолог врач.




РАЙҲОН

Халқ табобатида райҳоннинг барглари, новдасидан тайёрланган экстракти яллиғланишга, йўталга қарши, жароҳатларнинг битишига ёрдам берадиган, сийдик ҳайдайдиган, дезинфекция қиладиган восита тариқасида қўлланилади. Бундан ташқари, гастрит, энтероколит, шамоллаш, ангина, иситмага даво қилиш учун ишлатилади. Янги баргларининг суви эса ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланишига даво бўлади.

Ибн сино фикрига қараганда, райҳон суви юракни мустаҳкамлайди, ўпкадаги ғуборни олиб, қон кетишини тўхтатади, эмизикли аёллар сутини кўпайтиради, ич дам бўлганда яхши кор қиладди. Илон, чаён чаққан жойга уруғи қўйилса ёрдам беради.

Райҳон истеъмол қилинса, миядаги тўқималарни очади, ҳамма аъзолардаги шишларнинг бартараф этиди, меъда заифлигига шифо қиладди. Райҳон баргининг суви шакар билан истеъмол қилинса, кўкрак ости аъзолари, нафас олишдаги қийинчилик ва йўталга барҳам беради. Агар райҳонни чайнаса, оғиз пишишини бартараф қиладди. Унинг баргини овқатга ошқўқ ўрнида қўллаш яхши самара беради.

(«Минг дардга минг даво» китобидан).



ОТА ЮРТИ ХИДРЕЙЛИ

(Шогирдим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Ғулом Каримий таваллудининг 60 йиллигига бағишлайман).

Бухородан узокда,
Дехқон кўп бу қишлоқда,
Дарс тайёрлаб чироқда,
Шу ерда чиқди тили,
Ота юрти Хидрейли.

Аслини сўрса биров,
Абдуқанош Каримов,
Чандирга эди кўёв,
Устознинг тўнғич ўғли,
Ота юрти Хидрейли.

Полвонқўлда қўй боқди,
Китоб дилга ўт ёқди,
Орзулар қанот қоқди,
Мафтун этди форс тили,
Ота юрти Хидрейли.
Саховатли, мард инсон,
Каримий бош қахрамон,
Дўст шоир битди достон,
Ибратли умр йўли,
Ота юрти Хидрейли.
Орзуларига етди,
Довонларни забт этди,
Водариғ, эрта кетди,
Эгилди элнинг бели,
Ота юрти Хидрейли.
Жаҳонга чиқди „Карвон“,
Ҳикоя, қисса, роман,
Ўқир турк, қозоқ, олмон,
Олти юз ўттиз уйли,
Ота юрти Хидрейли.
Адиб, таржимон бўлди,
Олим, нуқтадон бўлди,

Атоқли инсон бўлди,
Фахр этар Хидир эли,
Ота юрти Хидрейли.

Жўра ҲАМРОЕВ,
туман халқ таълими
бўлими нуронийлар
кенгаши раиси, 34-мактаб
тарғиботчиси.

УЧ ЭЛАК

Бир киши донишманд олди-
га келиб гап бошлади:

-Биласизми, ҳаммомчи сиз-
нинг яқин дўстингиз ҳақида
нима деди?

-Шошмай турунг, дея уни
тўхтатди донишманд.

-Айтмоқчи бўлган гапингиз-
ни аввал уч элақдан ўтказинг.

-Қанақа уч элак?

-Бирор гапни гапиришдан
аввал уни доим учта элақдан
ўтказиш керак. Биринчиси-
ҳақиқат элаги. Сиз айтмоқчи
бўлган гапнинг ҳақиқатлигига
ишонасизми?

-Йўқ, ишонмайман. Шунчаки
эшитганимни айтмоқчиман...

-Жуда яхши. Демак, сиз бу
гапнинг ҳақиқатлигига ишон-
майсиз.

Энди иккинчиси-яхшилиқ
элагидан ўтказинг. Менга дўс-
тим ҳақида бирорта яхши гап
айтмоқчимасиз?

-Йў-у-ўқ.

-Демак, давом этди дониш-
манд, -сиз менга айтмоқчи

бўлган гап яхши эмас, унинг
ростлигига ҳам ишонмасиз,
шундайми?

Энди учинчи элақдан ўтқа-
зиб кўрайлик-чи. Бу фойда
элаги. Сиз менга айтмоқчи
бўлган гап мен учун фойда-
лими?

-Йўқ.

-Кўрдингизми, менга айт-
моқчи бўлган гапингизда ях-
шилиқ ҳам, фойда ҳам йўқ.
Унда гапиришнинг нима ке-
раги бор, тўғрими? -дебди
донишманд.

Доно халқимиз-“Аввал ўй-
ла, кейин сўйла!” деб бежиз-
га айтмаган. Бирон кишига
билиб-билмай ножўя сўз-
ларни гапирмайлик...

Улуғ аллома Абу Али ибн
Сино ҳам бу борада шундай
деганлар:

“Соғлом бўлай десанг кам е,
Доно бўлай десанг кам де!”

К. МАВЛОНОВ,

Олот туман бош-имом
хатиби.

Қорақўл тиббиёт коллежини ҳамширалик иши мутахассис-
лиги бўйича 2020 йилда тугатган Отахонова Исмигул Шера-
лиевна номига берилган К № 5842273 рақамли диплом
йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МЕРОС ИШИ ОЧИЛДИ

2011 йил 19 июлда вафот этган Шўкруллаев Иззатуллонинг
мулкига мерос иши очилганлиги сабабли марҳумнинг мерос-
хўрлари 1 (бир) ой муддат ичида Олот туманидаги хусусий
амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муродова Ойдина
Садуллаевнага мурожаат қилишлари сўралади.

Мурожаат учун телефон: (65) 34-21-960.

МЕРОС ИШИ ОЧИЛДИ

2021 йил 29 августда вафот этган Авезов Акрам Турае-
вичнинг мулкига мерос иши очилганлиги сабабли марҳумнинг
меросхўрлари 1 (бир) ой муддат ичида Олот туманидаги хусусий
амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муродова Ойдина
Садуллаевнага мурожаат қилишлари сўралади.

Мурожаат учун телефон: (65) 34-21-960.

«ОЛОТ НАҲОТИ»

Муассислар:
халқ депутатлари Олот
туман Кенгаши ва туман
ҳокимлиги
Мухаррир:
Ҳайдар БОЗОРОВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Олот шаҳри, Олот кўчаси, 73-уй.
Тел: 65-34-21-072.
Газета ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
Бухоро вилоят бошқармаси
томонидан 2011 йил 30 декабрда
05-052 рақами билан қайта рўйхатга
олинган.

Нашр кўрсаткичи: 3024.

Газета офсет усулида А-3 форматда
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ.

НУСХАСИ 501

Газета «Олот ҳаёти» таҳририяти компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газета ҳафтада бир марта чиқади.
Буюртма

Газета Бухоро шаҳар
Иброҳим Мўминов
кўчаси, 27-уй.
«Бухоро вилоят
босмаҳонаси» МЧЖда
чоғ этилди.
Тел: (65) 223-25-38.

ISSN 2181-5593



ҚҲЙ (21.03-21.04)



Йиғилиб келаётган муаммоларни ҳал қила олмасиз,
фақат хато қилиб қўйманг. Аччиқ устида хулоса чи-
қарманг! Асосан ўз яқинларингизнинг фикрларига
қулоқ солинг.

СИГИР (22.04-21.05)



Ушбу куз даври сиз учун иложи борича яхши нарсалар-
ларни тақдим этади! Бу вақт севги ва янги танишувлар
даври. Раҳбарият сизга бу даврда ўзингизни
кўрсатиш имкониятини беради. Ушбу кунларда ташаббускор
ва дадил бўлишдан қўрқманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)



Бирон нарсадан ўзни тийиш осон эмас, аммо, шун-
дай қилишга тўғри келади. Дам олиш кунни сизни
ажойиб совға кутмоқда. Кейин афсус қилмаслик
учун ақл билан иш тuting.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-23.07)



Қизиқарли учрашувларни рад қилманг ва ҳиссиёт
ҳамда сезгиларингизни назоратда ушланг.

АРСЛОН (24.07-23.08)



Ҳозир сизнинг барча фикрингиз оилангиз билан
бўлишга қаратилган. Дам олиш кунлари бирон жой-
га чиқиб кетишга ҳаракат қилинг. Сиз вазиятни ўз-
гариширингиз зарур. Бу сизга керакли йўлга тушиб олишин-
гизда кучингизни тиклашга ёрдам беради.

СУНБУЛА (24.08-23.09)



Молиявий масалада кўп йўқотиш бўлади. Севган ин-
сонингиз билан келишмай қолишингиз мумкин. Ҳам-
масини ҳозирроқ ҳал қилинг, кейин кеч бўлади.

ТАРОЗИ (24.09-23.10)



Бу иш сизга даромад келтириб бошлаши ҳам
мумкин. Бу кунларда кичик ёшдагиларга илти-
фот кўрсатинг. Камроқ танқид ва кўпроқ далда –
бу болалар билан яхши муносабатлар кафолатидир.

ЧАЁН (24.10-22.11)



Сал бепарво бўлсангиз – нохуш ҳолатга тушиб
қоласиз. Ҳамкасбларингизга эътиборли бўлинг:
улардан бири сизга нисбатан ҳийла ишлатиши
ёки миш-миш тарқатиши мумкин. Уни топинг ва
муносабатингизга ойдинлик киритинг, ҳозирча кеч эмас.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)



Шу кунларда ҳовлиқаш сизнинг ҳаётингизда кўп
бўлади. Ҳеч бўлмаса битта ишни охиригача етқа-
зиш учун уни биринчи ўринга қўйинг. Юлдузлар
асло биронта билан урушиб қолмаслигингизни
маслаҳат беришмоқда. Яхшиси бетараф бўлинг: бу ўзининг
меvasини беради.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-20.01)



Сизнинг ишингизни қадр-қимматга яраша баҳо-
лашади. Пул мукофоти олишингиз ҳам мумкин.
Фақат уни ушлаб турунг: бирданига сарфлама-
нг, бу кунларда узоқ сафарни режалаштириш мақ-
садга мувофиқ – масалан, хорижга чиқиш. Шу мақсад учун
ҳам пул йиғиш лозим.

ҚОВҒА (21.01-20.02)



Ушбу давр ўзингизни ўстириш учун қулай пайт. Ях-
шиси ҳозир узоққа чўзиладиган сафарларни амал-
га оширмаган маъқул. Ҳафта бошида уй ишлари
билан шуғуллангиз – уни тартибга келтириш, тозалаш каби.
Шунингдек, бу пайтда кўчмас мулк сотиб олиш фойдали.

БАЛИҚ (20.02-20.03)



Шубҳа-гумонлар сизда ҳар доимгидан ҳам кўп
бўлади! Бирон савол туғилса, уни биладиган инсон-
лардан сўранг. Агар ишончингиз тўлиқ комил бўл-
маса, қарор қабул қилманг!

Олот туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг
11-синфини 2006 йилда тугатган Худойбердиева Малоҳат
Рўзимаматовна номига берилган У № 0321663 рақамли
шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МЕРОС ИШИ ОЧИЛДИ

2021 йил 6 июнда вафот этган Бозорова Салима Абдуқоди-
ров-
нанинг мулкига мерос иши очилганлиги сабабли марҳумнинг
меросхўрлари 1 (бир) ой муддат ичида Олот туманидаги хусусий
амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муродова Ойдина
Садуллаевнага мурожаат қилишлари сўралади.

Мурожаат учун телефон: (65) 34-21-960.

Таҳририят ҳажми 2-3 қоғоздан зиёд материалларни қабул қилмайди, қўлёзмалар қайтарилмайди, Нашр сифати учун босмаҳона жавобгар. (т)-тижорат мақола.

Навбатчи М. ТўРАЕВА ■ Саҳифаловчи Э. ЖУМАЕВА ■ Баҳоси келишилган нархда ■ Босишга топшириш вақти: 17-00 ■ Топширилди: 14-00